

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Давлатова Ш.Ш.  
ТермДУ ўқитувчиси

Демократия – ўзини англаш, ўз ҳаётини ўз эркига асосан қуриш, масъулиятни ўзига олиш, ўз қадрини билиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ҳурмат қилишга асосланган тузумдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан бошланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш бўлди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни танладик. Яъни, мустабид тузум, ўта мафқуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик”.<sup>1</sup>

Демократик жамиятни барпо этиш, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширилмоқда. Тоталитар ва авторитар бошқарув тизимларидан фарқ қилган демократик бошқарув тизими мамлакатимиз ҳаётида фуқароларнинг озодлиги ва эркинлигига асосланган, фикрлар хилма-хиллигини шакллантириш учун муҳит яратган, барчага келишув, ён босиш, муҳокама, мунозаралар учун расмий, очиқ, қонуний йўл очиб берган, қарорлар халқ томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинадиган имкониятлар эшигини очди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Ўзбекистонда демократик жамият қуриш учун зарур бўлган қуйидаги талабалар шаклланиб борди:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши;
- сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун барча фуқароларнинг тенг имкониятга эга эканлиги;
- масалаларнинг овоз бериш йўли билан ҳал этилиши;
- барча фуқароларнинг ҳокимият фаолиятини тўсиқсиз назорат қилиш ҳуқуқи;
- ҳокимият барча даражалари ишида ошкораликнинг мавжудлиги.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг айрим қисmlарини бошқа органларга, жумладан фуқаролик жамияти институтларига ўтказишга кенг эътибор қаратилди. Қисқа вақт ичида республикаимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

---

<sup>1</sup> Каримов И. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Асарлар 11 том, Т., “Ўзбекистон”.

- совет даври бошқарув тизимида мавжуд бўлган маъмурий-буйруқбозлик сиёсатиغا чек қўйилди;
- миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди;
- давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи амалга оширилди, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинди;
- фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти изчил йўлга қўйилди. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларида фуқаролик жамияти институтлари шакллантирилди.
- Эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни амалга оширилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали тизимга ўтди. Президент ваколатларининг бир қисми парламентнинг юқори палатаси - Сенатга ўтказилди.

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси асосида давлат ҳокимияти баъзи ваколатларининг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши ҳам фуқаролик жамиятини шакллантириш учун шароит яратиб бормоқда.

Мустақиллик шарофати билан ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг фаолияти қайта тикланди. “Маҳалла” атамаси илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилди ва бу орган ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши маҳалла тизимини янада ривожланиши, унинг фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътиборнинг натижасидир. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида давлат бошқаруви органлари фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратиши белгиланган. Бу қонундаги муҳим ўзгаришлардан яна бири, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг киритилганлигидир. Бу ҳолат давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши баробарида улар фаолиятларининг мустақиллигини кафолатлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда Ўзбекистонда юзага келган кўппартиявийлик тизими ва унинг натижаси сифатида юзага келган сиёсий партияларнинг ҳам ўз ўрни бор. Сиёсий партия Ўзбекистон фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга

чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддаси мазмунига кўра, сиёсий партиялар давлат органлари ҳисобланмайди, лекин улар мазкур қонуннинг 60-моддасига кўра, давлат ҳокимиятини тузишда қатнашади. Сиёсий партиялар давлат ва жамиятнинг ўзаро кесишув нуқтасида боғловчилик вазифасини бажаради. Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, сайлов жараёнларида аҳолининг иштирокини таъминлаш, сафарбарлик, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун кейинги вақтларда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг роли конституциявий қонун асосида кучайтирилмоқда.

Хуллас, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифа”<sup>2</sup>лигича қолмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда жамоатчилик назорати кучайиб, кенг халқ оммаси мамлакат миқёсида ҳокимиятнинг барча тармоқларида қабул қилинаётган қонунлардан, амалга оширилаётган ўзгаришлардан хабардорлиги ортиб бормоқда. Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маданий дунёқараши ўсиб давлат ва ҳокимиятни бошқариш ишларида билвосита ҳамда бевосита иштироки тобора кенгайиб бораёпти.

---

<sup>2</sup> Каримов И. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. Асарлар 8-том, Т., “Ўзбекистон” 2000, 332-бет.

